

**ARTICLE INFO**

Received: 16<sup>th</sup> August 2024  
Accepted: 20<sup>th</sup> August 2024  
Online: 21<sup>th</sup> August 2024

**KEYWORDS**

Testimony, consolidation, preliminary consolidation of testimony, witness, victim, civil plaintiff, appeal, investigating judge.

**FEATURES OF THE INVESTIGATIVE JUDGE CONDUCTING A PROCEDURAL ACTION OF PRELIMINARY CONFIRMATION OF TESTIMONY**

**Muhammadaliev Minhojidin Kurbanali ugli**

Doctoral student of the Faculty of Postgraduate Education of the Academy of the Ministry of Internal Affairs  
minhojiddinmuhammadaliyev97@gmail.com.  
UDC: 343.14. ORCID: 0009-0009-2450-774X.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.13354336>

**ABSTRACT**

*This article examines the essence of the institution of an investigative judge and the specifics of the investigative judge conducting a procedural action for preliminary confirmation of testimony.*

**КҮРСАТУВЛАРНИ ОЛДИНДАН МУСТАҲКАМЛАБ ҚҮЙИШ ПРОЦЕССУАЛ ҲАРАКАТИНИ ТЕРГОВ СУДЬЯСИ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛИШИНинг ЎЗИГА ҲОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

**Муҳаммадалиев Минҳожидин Қурбонали ўғли**

ИИВ Академияси Олий таълимдан кейинги таълим факультети

таянч докторантурда докторанти

minhojiddinmuhammadaliyev97@gmail.com

UDC: 343.14. ORCID: 0009-0009-2450-774X.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.13354336>

**ARTICLE INFO**

Received: 16<sup>th</sup> August 2024  
Accepted: 20<sup>th</sup> August 2024  
Online: 21<sup>th</sup> August 2024

**KEYWORDS**

Кўрсатув, мустаҳкамлаб қўйиш, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш, гувоҳ, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар, мурожаат қилиш, тергов судьяси.

**ABSTRACT**

*Мазкур мақолада тергов судьяси институтининг мазмун моҳияти ва кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракатининг тергов судьяси томонидан ўтказилишининг ўзига ҳос жиҳатлари ҳақида фикр юритилган.*



Ўзбекистон мустақилликка эришгач, ўз олдига ҳуқуқий демократияга асосланган фуқаролик жамияти барпо этиши асосий мақсад қилиб кўйди<sup>1</sup>. Ўтган йиллар мобайнида суд-хуқуқ соҳасини демоқратлаштириш ва эркинлаштириш, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги роли ва аҳамиятини ошириш борасида бир қатор муҳим ислоҳотлар амалга оширилди<sup>2</sup>. Айнан жиноят-процессуал қонунчилиги замон талабларидан келиб чиқсан ҳолда такомиллаштирилиб, унга шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада кафолатловчи бир қатор ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. (*тўқсондан ортиқ қонунлар билан амалга оширилган*).

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 10 август кунидаги “Судтергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармонининг иккинчи бандига мувофиқ, жиноят ишини судга қадар юритиш босқичида гувоҳ ва жабрланувчини оғир касаллиги ёки узоқ муддатга чет давлатга чиқиб кетиш зарурати туфайли кечроқ сўроқ қилиш имконияти бўлмаган тақдирда, уларнинг кўрсатувларини гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, прокурор ёки адвокатнинг илтимосномасига қўра суд томонидан тарафларнинг иштирокида олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш (депонирование) тартибини жорий қилиш кўзда тутилди<sup>3</sup>.

Шунга асосан Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, унинг шаъни ва қадрқимматини хурмат қилиш, суд ишларини юритишнинг барча босқичларида тарафларнинг тортишув тамойили қўлланилишини янада кенгайтириш ҳамда ушбу соҳада халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибани жорий этишга хизмат қиласидиган 2021 йил 18 февраль кунидаги “Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-675-сон Қонуни<sup>4</sup> қабул қилинди.

Ушбу қонунга мувофиқ, Жиноят-процессуал кодексида 12<sup>1</sup>-боб сифатида кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш алоҳида институт сифатида ташкил этилиб, 121<sup>1</sup>-121<sup>5</sup>-моддалари билан тўлдирилди. Уларга қўра, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш асослари, мурожаат қилувчи шахслар ва иштирокчилар доираси, кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тўғрисидаги илтимосномани кўриб чиқиш шартлари ҳамда кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш тартиби аниқ белгилаб берилди.

<sup>1</sup> Маевуда Б. Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти. Ўкув кўлланма. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти. Т: 2006. Б – 3.

<sup>2</sup> Таджисбаев Д. Суд-хуқуқ ислоҳотларининг янги босқичи. <https://sud.uz/sud-huquq-islohotlari/> (Электрон манбага мурожаат этилган вакт: 22.05.2023).

<sup>3</sup> “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 10 август ПФ-6041-сон фармони. <https://lex.uz/docs/4939467> (Электрон манбага мурожаат этилган вакт: 22.05.2023).

<sup>4</sup> «Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2021 йил 18 февраль ЎРҚ-675-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/5295912> (Электрон манбага мурожаат этилган вакт: 22.05.2023).



Амалдаги миллий қонунчилігимизга күра күрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш суд томонидан амалга оширилади. Бироқ бугунги кунда дунёнинг аксарият ривожланган давлатларида бу масалага жиноят процессида **тергов судьяси** институтини жорий этиш орқали ечим топилган ва у ўз самарасини бериб келмоқда. Хусусан, Европа мамлакатларидан Франция<sup>5</sup>, Испания<sup>6</sup>, Бельгия<sup>7</sup>, Греция<sup>8</sup> давлатларида, Осиё мамлакатларидан эса Қирғизистон<sup>9</sup>, Қозоғистон<sup>10</sup>, Украина<sup>11</sup>, Молдова<sup>12</sup>, Эстония<sup>13</sup>, Литва<sup>14</sup> каби давлатларда тергов судьяси лавозими жорий этилган бўлиб, бугунги кунда улар судга қадар иш юритув босқичида суд томонидан розилик, рухсат (санкция) бериладиган тергов ёки процессуал ҳаракатлар ва дастлабки тергов билан боғлиқ бошқа муносабатларга доир тартиб-таомилларни ҳал этиш билан шуғулланадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юқорида күрсатиб ўтилган давлатларнинг барчасида күрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш суд муҳокамасини амалга оширилиши масъул судья томонидан эмас, суд тармоғидаги алоҳида мансабдор шахс айнан тергов судьяси томонидан амалга оширилади. Бундай ёндошув кейинчалик ишни судда кўрища холисликни тўла тўқис таъминланишига, биринчи инстанция суди томонидан қабул қилинган ҳукмнинг қонуний, асослантирилган ва адолатли бўлишига ҳеч қандай шубҳа қолдирмайди.

Мисол учун биз билан чегарадош бўлган Қозоғистон Республикасида ҳам тергов судьяси лавозими жорий этилган бўлиб, у судга қадар иш юритув босқичида ўтказиладиган 18 турдаги тергов ёки процессуал ҳаракатларга рухсат бериши (Қозоғистон Республикаси ЖПКнинг 55-моддаси), бундан ташқари 10 та ушбу жараёнлар билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш билан шуғулланади, шунингдек

<sup>5</sup> Code de procédure pénale (France) (Франция Жиноят-процессуал кодекси, француз тилида) // URL: <https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006071154/> (Мурожаат этилган сана: 10.01.2023).

<sup>6</sup> Código Procesal Penal (Spain) (Испания Жиноят-процессуал кодекси, испан тилида) // URL: [https://www.boe.es/biblioteca\\_juridica/codigos/codigo.php?id=334](https://www.boe.es/biblioteca_juridica/codigos/codigo.php?id=334) Código Procesal Penal&modo=2 (Мурожаат этилган сана: 10.01.2023).

<sup>7</sup> Code d'instruction criminelle (Belgium) (Бельгия Жиноят-процессуал кодекси, француз тилида) // URL: <https://www.ejustice.just.fgov.be/eli/loi/1808/11/17/1808111701/justel> (Мурожаат этилган сана: 10.01.2023).

<sup>8</sup> Греция Жиноят-процессуал кодекси, грек тилида // URL: <https://www.lawspot.gr/nomikes-plirofories/nomothesia/nomos-4620-2019> (Мурожаат этилган сана: 10.01.2023).

<sup>9</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.07.2021 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88) (Бесплатная онлайновая законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).

<sup>10</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.07.2023 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575852](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575852) (Бесплатная онлайновая законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).

<sup>11</sup> Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.03.2023 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=31197178](https://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178) / (Бесплатная онлайновая законодательная база данных) (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).

<sup>12</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 31.07.2023) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).

<sup>13</sup> Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии от 08 марта 2014 года [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/1291> (Бесплатная онлайновая законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).

<sup>14</sup> Уголовный процессуальный кодекс Литовская Республики от 23 декабря 2010 года [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/8195> Бесплатная онлайновая законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).



тергов судьяси томонидан айнан күрсатувларни олдиндан мустақамлаб қўйиш амалга оширилади<sup>15</sup>.

Шу ўринда күрсатувларни олдиндан мустақамлаб қўйиш тергов судьяси томонидан амалга оширилиши қанчалик муҳим? деган савол туғилиши мумкин. Биз ушбу ҳолатда қуидагича фикр билдирамиз, яъни күрсатувларни олдиндан мустақамлаб қўйиш тергов судьяси томонидан амалга оширилишида қуидаги фойдали жиҳатларни кўришимиз мумкин:

*биринчидан*, кейинчалик суд муҳокамасида күрсатувлари мустақамланган далилларни суд томонидан баҳолашда холислик таъминланади;

*иккинчидан*, күрсатувларни мустақамлаш бўйича мурожаат қилмоқчи бўлган процесс иштирокчилари прокурорга мурожаат қилмаслиги ишни янада адолатли ва холисона ўтказилишига олиб келади. Сабаби прокурор иш ҳолатига кўра айблов тараф ҳисобланади;

*учинчидан*, күрсатувларни олдиндан мустақамлаб қўйиш тергов судьяси томонидан амалга оширилиши судлар томонидан амалга ошириладиган шу каби процескуал ва тергов ҳаракатларини тўлиқ ҳамда объектив кўриб чиқилишига, шунингдек, судьяларга белгиланган иш юкламаларини камайтиришга хизмат қиласди. Шунинг натижасида судьялар томонидан иш бўйича якуний қарор қабул қилишда адолат тўлиқ қарор топади.

Мамлакатимиз олимларидан бир нечтаси яъни Д.М.Миразов<sup>16</sup> томонидан тергов судьяси институти атрофлича ўрганилиб, ушбу институт бўйича ўзининг таҳлилий фикрларини баён қилган. Шунингдек, Б.А.Сайдов<sup>17</sup>, С.А.Абдуқаҳхоров<sup>18</sup> ва Д.М.Чориевалар<sup>19</sup> ҳам ўз тадқиқот ишларида тергов судьяси институтини мамлакатимизда жорий этиш таклифларини илгари сурғанлар. Уларнинг фикрларига қўшилган ҳолда биз ҳам тергов судьяси институти жорий этилиши тарафдоримиз.

Шу ўринда “Тергов судьяси ўзи ким, у қандай вазифаларни амалга оширади?,” деган савол туғилиши тайин. Ушбу институт XIX аср охири, XX аср бошларида Францияда вужудга келган. Тергов судьяси Франция, Бельгия, Голландия давлатларида — дастлабки тергов органи вазифасини бажаради, Германия ва Австрия каби давлатларда — суд суриштирувчиси сифатида тергов ҳаракатларини ўтказади, Латвияда эса фаол равишда суд назоратини амалга оширади<sup>20</sup>.

<sup>15</sup> Қозогистон Республикаси Жиноят-процескуал кодекси (30.12.2022 ҳолатига кўра) // Электрон манба: <https://adilet.zan.kz/kaz/docs/K1400000231#z685> (Мурожаат этилган сана 11.01.2023)

<sup>16</sup> Миразов Д.М. Дастребаки тергов идоралари фаолияти устидан контролъ ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процескуал жиҳатлари: Юрид. фан. док.(DSc) ... дисс. – Т.: Ўз. Рес. ИИВ Академияси, 2016. – Б.168-192.

<sup>17</sup> Сайдов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий хуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш: Юрид. фан. док.(DSc) ... дисс. – Т.: Ўз. Рес. ИИВ Академияси, 2020. – Б.223.

<sup>18</sup> Абдуқаҳхоров С.А. Ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя хуқуқини таъминлаш: Юрид. фан. док.(PhD) ... дис.. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ, 2023. – Б. 24.

<sup>19</sup> Чориева Д.М. Ишни судга қадар юритиш ҳимоячи хуқуқини кенгайтириш масалалари: Юрид. фан. док.(PhD) ... дис. автореф. – Т.: ТДЮИ, 2021. – Б. 24.

<sup>20</sup> Милова И.Е. Следственный судья: возрождение института // Научная статья // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sledstvennyy-sudya-vozrozhdenie-instituta> // (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 26.10.2023).



О.А.Глянько тергов судьяси жиноят процессининг судгача бўлган босқичида томонларнинг тортишувига хизмат қилишини таъкидлаган, шунингдек тергов судьясининг ваколатларини қуидаги уч гурухга ажратган:

— процессуал мажбуровлов чорасини ҳамда шахснинг конституциявий ҳуқуқларида дахл қилувчи процессуал ҳаракатларни бажаришга рухсат берувчи ваколатлар;

— жиноят процессининг бориши ва йўналишини белгиловчи, шунингдек асосий ҳуқуқий муносабатларнинг пайдо бўлишига ёки тугатилишига олиб келадиган процессуал қарорларнинг қонунийлиги ҳамда асослилиги устидан суд назоратини амалга оширувчи ваколатлар;

— ишни судга қадар юритиш босқичида далилларни тўплаш ва текширишга имкон берувчи ваколатлар<sup>21</sup>.

Мамлакатимиз олимларидан Д.М.Чориеванинг фикрича, тергов судьяси жиноят ишларини юритишнинг судга қадар бўлган босқичларида фаолият олиб борувчи, айлов ва ҳимоя тарафининг ҳаракатларини мувофиқлаштириб ва назорат қилиб турувчи ҳамда уларнинг ўз ҳуқуқ ва ваколатларини амалга оширишлари учун зарурый шарт-шароитларни яратиб берувчи масъул мансабдор шахс ҳисобланади<sup>22</sup>.

О.А.Гляньконинг фикрига яқин қарашни С.А.Адилов ҳам билдирган бўлиб, унга кўра, "...тергов судьяси ишни судга қадар юритиш босқичида суд назоратини рухсат бериш, исботлаш ва текшириш каби ўзаро боғлиқ ваколатлар орқали амалга оширади<sup>23</sup>.

В.Ю.Мельников эса қуидаги фикрни илгари суради: "Инсон ҳуқуқларини янада самарали таъминлаш мақсадида тергов судьяси шаклидаги ихтисослаштирилган суд тизимини яратиш, суд назоратини суд фаолиятининг мустақил йўналиши сифатида алоҳида қонунчилик билан тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Назоратдан ташқари, тергов судьялари жиноят ишини дастлабки кўриш тартибига оид масалаларни ҳал қилишлари, прокурор томонидан тақдим этилган материаллар асосида айловнинг қонунийлиги ва асослиигини текширишлари шарт<sup>24</sup>.

Д.В.Филин ва А.О.Машовец эса тергов судьяси жиноят процессида иккита вазифани бажаришини асослаб берган: биринчиси — шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларида таъсир кўрсатадиган процессуал мажбуровлаш чораларини қўллаш устидан суд назоратини амалга ошириш; иккинчиси — томонларнинг илтимосига биноан далилларни тўплаш, бошқача айтганда, айрим фактик ҳолатлар бўйича қисман суд тергови ўтказиш<sup>25</sup>.

<sup>21</sup> Глянько О.А. Теоретико-правовая модель процессуального статуса следственного судьи: Автореф. Дис.... канд. юрид. наук. - М., 2019. - С. 12–13.

<sup>22</sup> Чориева Д.М. Тергов судьяси: у ким ва унинг ҳимоячи процессуал мақомини оширишдаги ўрни қандай?. <https://kun.uz/46113262> (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 26.10.2023).

<sup>23</sup> Адилов С.А. Правовое положение следственного судьи в уголовном процессе Республики Казахстан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2019. — С. 10.

<sup>24</sup> Мельников В.Ю. Обеспечение и защита прав человека при применении мер процессуального принуждения в досудебном производстве Российской Федерации: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2014. URL: <https://lawtheses.com/obespechenie-i-zashchita-prav-cheloveka-pri-primenenii-mer-prosessualnogoprinuzhdeniya-v-dosudebnom-proizvodstve-rossiy> (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 20.10.2023).

<sup>25</sup> Машовец А.О. Варианты введения института следственного судьи в досудебное уголовное производство// Вестник ЮУрГУ. Серия "Право" — 2015. — № 4. — С. 38 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/varianty-vvedeniya-instituta-sledstvennogo-sudi-v-dosudebnoe-ugolovnoe-proizvodstvo> // (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 20.10.2023).



Тергов судьяси – биринчи инстанция судининг судьяси бўлиб, ЖПКда белгиланган тартибда жиноят судлов иш юритувида шахсларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан суд контролини амалга оширади. Тергов судьяси шу суднинг раиси томонидан суднинг судьялари орасидан тайинланади. Зарурат туғилган ҳолларда, тергов судьяси қайта тайинланиши мумкин. Тергов судъясининг ваколатлари қамоққа олиш, уй қамоғи, лавозимдан вақтинча четлаштиришга санкция бериш; яқинлашишни тақиқлаш чораси, экстрадицион қамоққа олишга санкция бериш; қамоққа олиш, уй қамоғи, экстрадицион қамоқ чоралари муддатини узайтириш, гаровни қўллаш, мулкни хатлашга санкция бериш; қамоққа олинмаган шахсни тиббий муассасага мажбурий жойлаштириш, мурдани эксгумация қилиш, шахсни халқаро қидирувга эълон қилиш масаласини ҳал этиш кабилардан иборат<sup>26</sup>.

Д.М.Чориева томонидан тергов судъясининг ваколатлари таркибида суднинг амалдаги ЖПКда кўрсатилган ишни судга қадар юритиш жараёнидаги барча ваколатларини, шунингдек айблов тарафининг бир қатор ваколатларини, жумладан, қамоққа олиш (ёки уй қамоғи) эҳтиёт чорасини ўзгартириш, мол-мulkни хатлаш ва тақиқдан ечиш, экспертиза, тафтиш тайинлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш, терговга қадар текширув органининг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчининг қонунга хилоф ва асоссиз қарорларини бекор қилиш, адвокат сўрови юзасидан мансабдор шахс томонидан рад жавоби берилган тақдирда шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳар қандай маълумот, хужжат ёки нарсани талаб қилиб олиш тўғрисидаги ҳимоячининг илтимосномасини кўриб чиқиш ва тегишли органларга сўров юбориш, ишни судга қадар юритища ҳимоячининг илтимосномасига мувофиқ қонун билан муҳофаза этиладиган сирни ташкил этувчи хужжатларни сўраб олиш ва ҳимоячига тақдим этиш, жиноят ишини суд муҳокамасига тайёрлаш каби ваколатларини тартибга солувчи янги нормалар билан тўлдириш таклиф этилган<sup>27</sup>.

Биз Д.М.Чориеванинг фикрларига қўшилган ҳолда шахснинг конституциявий хуқуқларини тўғридан-тўғри чекловчи тинтув, олиб қўйиш, фуқаронинг уйи ёки хизмат жойини кўздан кечириш ҳамда телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тергов ҳаракатларига, шунингдек **кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиши** тергов судъасига топшириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Конституциянинг 27-моддасига кўра, ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлисизлик хуқуқига эга. Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади. Шахс суднинг қарорисиз

<sup>26</sup> Миразов Д.М. Дастрлабки тергов идоралари фаолияти устидан контролъ ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари: Юрид. фан. док.(DSc) ... дисс. – Т.: Ўз. Рес. ИИВ Академияси, 2016. – Б.192.

<sup>27</sup> Чориева Д.М. Ишни судга қадар юритища ҳимоячи хуқуқларинид кенгайтириш масалалари: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. автореф. — Т., 2021. — Б. 22.



қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мүмкін әмас. Конституциянинг 31-моддасига кўра, ҳар бир инсон шахсий ҳаётининг дахлсизлиги, шахсий ва оилавий сирга эга бўлиш, ўз шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади<sup>28</sup>.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 8 майдаги ПФ-67-сон Фармони<sup>29</sup> билан тасдиқланган “Янги таҳирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури”нинг 36-бандига кўра, ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эгалигини, ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилишини мустаҳкамлашга оид норма ишлаб чиқилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январь қунидаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-11-сон фармони<sup>30</sup> қабул қилиниб, ушбу фармоннинг 1-иловаси яъни 2023 — 2026 йилларга мўлжалланган суд тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишнинг қисқа муддатли стратегияси ишлаб чиқилди. Ушбу стратегияда “Хабеас корпус” институтини янада ривожлантириш орқали тергов устидан суд назоратини кучайтириш лозимлиги алоҳида эътироф этилди. Фикримизча, таклиф этилган тергов судьяси институтини жорий қилиш нафақат кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракатини такомиллашишида балки, суд назоратини оширишида, шунингдек, далилларни судлар томонидан баҳолашда холисликни янада таъминлайди.

Юқоридагиларга асосан ЖПКни қўйидаги мазмунда 31<sup>1</sup> ва 31<sup>2</sup>-моддалар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

#### “31<sup>1</sup>-модда. Тергов судьяси

Тергов судьяси – биринчи инстанция судининг судьяси бўлиб, ушбу Кодексда белгиланган тартибда жиноят судлов иш юритувида шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши устидан суд назоратини амалга оширади.

#### “31<sup>2</sup>-модда. Тергов судьясининг ваколатлари

Тергов судьясининг ваколатларига: қамоқقا олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ёхуд қамоқда сақлаш ёки уй қамоғи муддатини узайтириш масалалари билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестни эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида ажрим чиқарган тергов судьясини албатта хабардор қилган ҳолда қўриб чиқиш;

<sup>28</sup> Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. <https://lex.uz/docs/6445145> // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллый базаси.

<sup>29</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 08 майдаги «Янги таҳирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-67-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/6461609>

<sup>30</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январь қунидаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-11-сон фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6358976> (Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари миллый базаси.)



паспортнинг (ҳаракатланиш ҳужжатининг) амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги илтимосномани қўриб чиқиш; айланувчини лавозимидан четлаштириш тўғрисидаги, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги ёки айланувчининг тиббий муассасада бўлиши муддатини узайтириш тўғрисидаги, мурдани экслугумация қилиши ҳақидаги,

пошли-телеграф жўнатмаларини хатлаш тўғрисидаги, тинтув ўтказиш ҳақидаги, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшишиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш тўғрисидаги, ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ҳамда бошқа сўзлашувлар, алоқа тармоқлари орқали узатиладиган пошли, куръерлик жўнатмалари ва телеграф хабарлари сирсақланиши ҳукуқларини чекловчи тезкор-қидирив тадбирларини ўтказиш ҳақидаги илтимосномаларни қўриб чиқиш; прокурорнинг амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатиши ради қилиш тўғрисидаги ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги ёхуд маҳкумни жазодан озод қилиш тўғрисидаги илтимосномасини қўриб чиқиш; прокурорнинг гувоҳ ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) қўрсатувларини олдиндан мустаҳкамлаш тўғрисидаги илтимосномасини қўриб чиқиш киради.

Тергов судьяси суд назоратини амалга ошириш доирасида терговга қадар текширув органи мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан жиноят процесси иштирокчиларининг шикоятларини қўриб чиқади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 28 июль кунидаги “Судлар тўғрисида”ги ЎРҚ-703-сон Қонунида белгиланган нормаларга тегишли тартибда тергов судьясини мустақиллиги, дахлсизлиги, уларга ҳурматсизлик қилганлик учун жавобгарлик, уларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига аралашишга йўл қўймаслик, лавозимига қўйиладиган талаблар, уларни сайлаш ва тайинлаш тартиби, ваколат муддати тартиби ва уларни ҳисоблаш, уларнинг интизомий жавобгарлиги ва интизомий иш қўзғатиши масалалари, ваколатларини тўхтатиб туриш, муддатидан илгари тугатиш, ижтимоий таъминотига оид қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, тергов судьяси институтини қонунчиликка киритиш ва амалиётга кенг жорий этиш орқали ишни судга қадар юритиш босқичида процесс иштирокчиларининг ҳукуқ ва эркинликларини тўлиқ таъминлаш билан бирга томонларнинг тортишувига эришилади ҳамда қўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш процессуал ҳаракатини ўтказиш орқали далилларни баҳолашда ҳолисликни таъминлайди.

### References:

1. Мавлуда Б. Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти. Ўқув қўлланма. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент давлат юридик институти. Т: 2006. Б – 3.
2. Таджибаев Д. Суд-ҳукуқ ислоҳотларининг янги босқичи. <https://sud.uz/sud-huquq-islohotlari/> (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 22.05.2023).



3. "Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2020 йил 10 август ПФ-6041-сон фармони. <https://lex.uz/docs/4939467> (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 22.05.2023).
4. «Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳамда жиноят-процессуал кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 2021 йил 18 февраль ЎРҚ-675-сон Қонуни. <https://lex.uz/uz/docs/5295912>. (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 22.05.2023).
5. Code de procédure pénale (France) (Франция Жиноят-процессуал кодекси, француз тилида) // URL: <https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006071154/> (Мурожаат этилган сана: 10.01.2023).
6. Código Procesal Penal (Spain) (Испания Жиноят-процессуал кодекси, испан тилида) // URL: [https://www.boe.es/biblioteca\\_juridica/codigos/codigo.php?id=334\\_Codigo\\_Procesal\\_Penal\\_&modo=2](https://www.boe.es/biblioteca_juridica/codigos/codigo.php?id=334_Codigo_Procesal_Penal_&modo=2) (Мурожаат этилган сана: 10.01.2023).
7. Code d'instruction criminelle (Belgium) (Бельгия Жиноят-процессуал кодекси, француз тилида) // URL: <https://www.ejustice.just.fgov.be/eli/loi/1808/11/17/1808111701/justel> (Мурожаат этилган сана: 10.01.2023).
8. Греция Жиноят-процессуал кодекси, грек тилида // URL: <https://www.lawspot.gr/nomikes-plirofories/nomothesia/nomos-4620-2019> (Мурожаат этилган сана: 10.01.2023).
9. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 22.07.2021 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36313326&pos=5;-88#pos=5;-88) (Бесплатная онлайновая законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).
10. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 01.07.2023 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://online.zakon.kz/Document/?doc\\_id=31575852](https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31575852) (Бесплатная онлайновая законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).
11. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 21.03.2023 г.). [Электронный ресурс]. Режим доступа: [https://continent-online.com/Document/?doc\\_id=31197178](https://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178) / (Бесплатная онлайновая законодательная база данных) (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).



12. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Молдова от 14 марта 2003 года (По состоянию на 31.07.2023) [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://base.spinform.ru> (База данных законодательство стран СНГ) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).
13. Уголовно-процессуальный кодекс Эстонии от 08 марта 2014 года [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/1291> (Бесплатная онлайновая законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).
14. Уголовный процессуальный кодекс Литовская Республика от 23 декабря 2010 года [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/8195> Бесплатная онлайновая законодательная база данных) / (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 12.07.2023).
15. Қозоғистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси (30.12.2022 ҳолатига кўра) // Электрон манба: <https://adilet.zan.kz/kaz/docs/K1400000231#z685> (Мурожаат этилган сана 11.01.2023)
16. *Миразов Д.М.* Дастрлабки тергов идоралари фаолияти устидан контролъ ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари: Юрид. фан. док.(DSc) ... дисс. – Т.: Ўз. Рес. ИИВ Академияси, 2016. – Б.168-192.
17. *Сайдов Б.А.* Ишни судга қадар юритишда шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини такомиллаштириш: Юрид. фан. док.(DSc) ... дисс. – Т.: Ўз. Рес. ИИВ Академияси, 2020. – Б.223.
18. *Абдуқажхоров С.А.* Ишни судга қадар юритиш босқичида ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш: Юрид. фан. док.(PhD) ... дис.. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ, 2023. – Б. 24.
19. *Чориева Д.М.* Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларини кенгайтириш масалалари: Юрид. фан. док.(PhD) ... дис. автореф. – Т.: ТДЮИ, 2021. – Б. 24.
20. *Милова И.Е.* Следственный судья: возрождение института // Научная статья // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sledstvennyy-sudya-vozrozhdenie-instituta> // (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 26.10.2023).
21. *Глянько О.А.* Теоретико-правовая модель процессуального статуса следственного судьи: Автореф. Дис.... канд. юрид. наук. - М., 2019. - С. 12-13.
22. *Чориева Д.М.* Тергов судьяси: у ким ва унинг ҳимоячи процессуал мақомини оширишдаги ўрни қандай?. <https://kun.uz/46113262> (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 26.10.2023).
23. *Адилов С.А.* Правовое положение следственного судьи в уголовном процессе Республики Казахстан: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2019. — С. 10.
24. *Мельников В.Ю.* Обеспечение и защита прав человека при применении мер процессуального принуждения в досудебном производстве Российской Федерации:



Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. — М., 2014. URL: [https://lawtheses.com/obespechenie-i-zaschita-prav-cheloveka-pri-primenenii-mer-protcessualnogoprinuzhdeniya-v-dosudebnom-proizvodstve-rossiy](https://lawtheses.com/obespechenie-i-zaschita-prav-cheloveka-pri-primenenii-mer-protsessualnogoprinuzhdeniya-v-dosudebnom-proizvodstve-rossiy) (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 20.10.2023).

25. *Машовец А.О.* Варианты введения института следственного судьи в досудебное уголовное производство// Вестник ЮУрГУ. Серия “Право” — 2015. — № 4. — С. 38 // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/varianty-vvedeniya-instituta-sledstvennogo-sudi-v-dosudebnoe-ugolovnoe-proizvodstvo> // (Электрон манбага мурожаат этилган вақт: 20.10.2023).
26. *Миразов Д.М.* Дастрлабки тергов идоралари фаолияти устидан контроль ва назоратни такомиллаштиришнинг назарий, ташкилий ва процессуал жиҳатлари: Юрид. фан. док.(DSc) ... дисс. – Т.: Ўз. Рес. ИИВ Академияси, 2016. – Б.192.
27. *Чориева Д.М.* Ишни судга қадар юритишда ҳимоячи ҳуқуқларинид кенгайтириш масалалари: Юрид. фан. бўйича фалсафа д-ри (PhD) ... дис. автореф. — Т., 2021. — Б. 22.
28. Ўзбекистон Республикасининг Конститутцияси. <https://lex.uz/docs/6445145> // Ўзбекистон Республикаси Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
29. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 08 майдаги «Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-67-сон Фармони // <https://lex.uz/docs/6461609>
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январь кунидаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-11-сон фармони. <https://lex.uz/ru/docs/6358976> (Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатлари миллий базаси.)